



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSKENT HAQIQATI

1928 йи 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 23 август, чоршанба • № 67 (10.743) • Эркин нархда сотилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР БЎЙИЧА АГЕНТЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хорижий сармояларни республика иқтисодиётига жалб этиш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш, Ўзбекистонда инвестиция таклифларини тайёрлаш ва рўйбга чиқаришда эҳтимол тутилган хорижий сармоядорларга ҳамда маҳаллий шерикларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Нохукумат ташкилоти мақомига эга бўлган хорижий сармоялар бўйича агентликни ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистондаги БМТ ваколатхонасининг, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Давлат мулк кўмитасининг таклифи қабул қилинсин.

2. Куйидагилар белгилаб қўйилсин:
— Хорижий сармоялар бўйича агентлик Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инвестицияларга кўмаклашиш хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси ҳузуридаги Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар бўйича миллий агентлик негизда ташкил этилади;

— Агентликнинг иши унинг ишчи аппарати ва мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан таъминланади, кенгаш таркиби давлат бошқарув органларининг вакиллари, иқтисодиёт соҳасидаги олимлар ва мутахассислардан, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг, хорижий фирмалар, компаниялар ва банкларнинг раҳбарларидан иборат бўлади.

— Агентлик фаолиятини ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлаш бюджетдан ажратиладиган маблағлар, БМТ ривожланиш дастури ва бошқа халқаро ташкилотларнинг инвестиция фаолиятини институционал ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Хорижий сармоялар бўйича агентликнинг асосий вазибалари куйидагилардан иборат эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

— инвестиция фаолияти соҳасида хорижий ташкилотлар ва фондларнинг иштирокида халқаро ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— хорижий сармояларни жалб этишнинг меъёрий-ҳуқуқий негизи соҳасида таклифларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

— иқтисодиётнинг турли секторларида инвестиция муҳитини ўрганиш, Ўзбекистондаги ва хорижий давлатлардаги инвестиция муҳитини қиёсий таҳлил этиш;

— Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолияти ва сиёсати масалалари бўйича ахборот-реклама нашрларини тайёрлаш, уларни халқаро тадбиркорлар орасида тарқатиш;

— инвестиция соҳасидаги таклифларни ишлаб чиқиш, уларни расмийлаштириш ва амалга ошириш тартиби юзасидан вазирликларга, идораларга, банча мулкчилик шаклларидаги корхоналарга, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига кўмак бериш;

— амалдаги техникавий кўмаклашиш дастурларидан ва халқаро ташкилотларнинг маълумот базаларидан фойдаланган ҳолда манфаатдор хорижий сармоядорларни излаш;

— амалий алоқаларни кенгайтириш, чет эл тажрибасини ёйиш ва хорижий сармояларни жалб этиш бўйича семинарлар, конференциялар ҳамда бошқа тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш;

— хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар иштирокида давра суҳбатларини уюштириш орқали амалий шериклик муассасаларини ташкил этишда кўмаклашиш;

— сармояларни жалб этишнинг турли шакллари ўрганиш бўйича чет мамлакатларнинг сармояларга кўмаклашувчи хизматларида, компаниялари ва корхоналарида ўзбек мутахассисларнинг малака оширишларини ташкил қилиш;

— юқорида айтиб ўтилган ишлар ва тадбирларни амалга оширишга хорижий экспертларни жалб этиш.

4. Хорижий сармоялар бўйича агентлик рўйхатга олинган пайдан бошлаб уч йил муддатга солиқлар тўлашдан, шунингдек қонунларда белгиланган мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилсин, бунда бўшаган маблағларни хорижий сармоялар бўйича агентликнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфлаш шарт қилиб қўйилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни ижро этишга оид қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
П. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 август.

ТАБРИКНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Президент,
Вашингтон университети Марказий Осиё тиллари ва маданияти ёзги программаси профессор ва талабалари Сизни, Сиз орқали бутун ўзбек халқини Ўзбекистоннинг улуг байрами — Мустақиллик куни тўрт йиллиги муносабати билан чин кўнгилдан табрик этадилар.

Биз бир гуруҳ америкаликлар ўзбек тили ва маданиятини зўр қизиқиш билан ўқиб ўргандик. Тарихингиз ва адабиётингиз ҳақида тасаввурга эга бўлдик. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийдек буюк зотлар ўзбек ҳамда дунё тарихида қандай рол ўйнаганларини билиб олдик.

Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги ипак эмас, пахта эмас, тилло эмас. Бу — Ўзбекистоннинг халқи. Ўзбек халқи албатта буюк давлат куради. Худо куч-қувват берсин!

Биз Тошкент билан биродарлашган кўрам Сизтл шаҳрида сабоқ олдик. Бу дўстликка 1972 йилда асос солинган эди. Вашингтон университетида 1947 йилдан бошлаб Марказий Осиё маданияти ўрганилади. Чорак асрдан бери ўзбек тили ва адабиёти ўқитилади, бу аъна яна ҳам ривожланмоқда. Ёзги сабоқлар сўнггида ўзбек халқини Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан кутлаш аънага айланган. Фурсатдан фойдаланиб: ўтган йили йўллаган табригимизга жавоб берганингиз учун миннатдорлик билдираимиз. Вақти келиб, Сизтлда меҳмон бўласиз, деб умид қиламиз.

Биз Сизларнинг дўстингиз бўлиш учун ўзбек тилига меҳр қўйдик. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик, бир-бирини англаш, тушуниш даражаси юксак бўлишини истаймиз. Шунда биз тинчлик, дўстлик ва тараққиётда ёрқинроқ келажакни бирга куриб оламиз.

Улуг ўзбек халқига яхши кунлар йўлдош бўлсин!

Илза СИРТАУТАС,
Вашингтон университети профессори, программа раиси
Лора АДАМС,
Берклидаги Калифорния университети аспиранти
Рич ХАВКИНС,
Вашингтон университети аспиранти, Сизтл
Ховард АЙЗЕНСТАТ,
Пос-Анжелесдаги Калифорния университети аспиранти
Кенли БАТЛАР,
Вашингтон университети аспиранти, Сизтл
Колли БЕЛЛ,
мактаб ўқитувчиси, Сизтл шаҳри
Брент ПАТМАН,
Жоржтоун университети аспиранти, Вашингтон Д. С.
Тубайс КАММЕР,
Вашингтон университети талабаси, Сизтл
Том ПАРКХУРСТ,
Копамбус шаҳри, Охаё штати
Дианна ПАРКХУРСТ,
Копамбус шаҳри, Охаё штати

1995 йил 15 август
Америка Қўшма Штатлари
Вашингтон штати Сизтл шаҳри.

**ОРЗУЛАРИМ
РЎЁБГА
ЧИҚДИ**

**1 СЕНТЯБРЬ —
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
МУСТАҚИЛЛИК КУНИ**

- ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИНИНГ ҚАЙСИ ВОҚЕАЛАРИ КЎПРОҚ ЁДИНГИЗДА ҚОЛДИ?
- У СИЗГА НИМА БЕРДИ?
- МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШГА ҚАНДАЙ ҲИССА ҚЎШДИНГИЗ?

Э. ЖАМОЛОВ,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси

— ИНСОН борки, яхши ниятлар билан яшайди, орзуларини рўёбга чиқариш йўлида интилади. Истиқлолнинг дастлабки йиллари эди. Юртбошимизнинг ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашга доир фармонлари матбуотда эълон қилинди. Унда қишлоқ меҳнаткашлари қатори муаллимларни ҳам ша-

роитларидан келиб чиқиб, уй-жой куриш учун ер билан таъминлаш ҳақидаги фикрлар баён этилганди.

Бу фармон оиламизга катта қувонч бағишлади, десам муболага бўлмас. Чунки умр йўлдошим, ўзим, қизим, келиним ўқитувчилар бўлганлигимиз учун беҳад севиниб кетдик. Жойимиз эса тор

эди. Кўп ўтмай ариза билан ўша вақтда мактабимиз жойлашган Тошкент туманидаги Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги бошқарувиغا мурожаат қилдик. Илтимосимиз биринчилар қатори қондирилди.

Бизга ер ажратиб беришди. Ҳозир мазкур туманда йўл қурилиш муҳандиси бўлиб ишлаётган ўғлим Тўлқинжонга атаб уйни тиклаб олдик. Ниятимиз ушалди.

Албатта, ҳар битта одам фақат давлатдан талаб қилиб, «бер-

бер» руҳиятида яшамаслиги керак. Эл учун, бошқалар учун ўзим нима қилдим? Мустақиллигимизга бирон-бир хизматим билан ҳисса қўшдимми, деган мақсадда яшаши лозим, деб ўйлайман. Шу жиҳатдан олганда ёш авлод тарбиясига меҳнатим сингганлигидан беҳад қувонаман. Ўттиз беш йилдан ортиқроқ ўқитувчилик фаолиятимда математика фанидан жуда кўплаб шогирдлар етиштири-

(Давоми 7-бетда).

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Тошкентда ташкил этилаётган сабзавот ва мева савдо ярмаркасида пойтахт вилояти деҳқонлари фаол қатнашапти. Юнусобод, Авиасозлар ҳамда Бектемир туман бозорларига кунига 100 тонна сабзавот, қирқ тонна картошка, 30-40 тонна узум, 50 тонна мева, шунингдек, мева шарбатлари келтириб сотилмоқда. Паркент, Қуйичирчиқ, Янгийўл туманлари ноз-неъматлари харидорларга гоят манзур бўляпти.

(УзА).

БУГУНГИ СОНДА:

- Табиат ва инсон (3-6 бетлар).
- Вилоят шаҳар ва туманларида байрам тараддуди. (7-бет).
- Ўзбек олимларининг довури. (8-бет).



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ, УЧУН!

ТАБИАТ ВАСИ

Ўзбекистонимиз миллий мустақилликни қўлга киритганидан кейин табиатни муҳофаза қилиш ишларига эътибор низоҳатда кучайиб кетди. Бу муҳим иш билан шугулланувчи республика давлат кўмитаси ташкил этилди.

Биргина вилоятимизда олтин минтақавий ва ўнта туман табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари самарали иш олиб бормоқда. Уларнинг фаолиятига вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси бош-қош бўлмоқда. Бу кўмиталарнинг саъй-ҳаракатлари туфайли вилоятимизда табиатни муҳофаза қилиш, атроф муҳит мусоффолигини таъминлаш, турли табиий ресурслардан фойдаланишда муайян ютуқларга эришилди. Қуйидаги саҳифаларда шу табиат қўриқчиларининг машаққатли, масъулиятли, аммо низоҳатда шарафли ишлари ҳақидаги материалларни ўқийсиз.

БУ ҲАМ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси коллежасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда вилоят экологясининг биринчи ярим йилликдаги иш якунлари атрофича таҳлил қилинди ҳамда йилнинг иккинчи ярмида қилинадиган вазифалар аниқ белгилаб олинди.

Коллежия мажлисига олдиндан пухта ҳозирлик қўрилди. Барча 6 та худудий ҳамда 10 та туман табиатни муҳофаза қилиш кўмиталарининг биринчи ярим йилликдаги ишлари чуқур ўрганиб чиқилди.

Шу йилнинг ўтган олти ойида саноат, транспорт ва қурилиш корхоналарида бир ярим мингтага яқин текширишлар ўтказилди. Атроф-муҳитни ифлослантирувчи қўчма манбаларнинг деярли 2 мингтага таҳлил қилинди. Натижада табиатни муҳофаза қилиш соҳасида катта-катта камчиликлар борлиги аниқланди. Унинг айбдорларига нисбатан 4 минг банддан ортиқ кўрсатмалар берилди. Табиатга қўпол равишда зарар келтираётган мансабдор шахсларга нисбатан турли хил жазо чоралари қўрилди. Улардан 292 кишига пул жаримаси солинди. Ундириб олинган сармоя миқдори салкам 95 минг сўмни ташкил этди.

Табиатни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг кўрсатмаларини бажармасдан, атроф-муҳитга зарар келтиришни камайтириш каби муҳим ишга лоқайдлик билан муносабатда бўлган корхоналар раҳбарларига нисбатан янада қаттиқроқ чоралар қўрилди. Шунини айтиш kifofати, 22 объектнинг фаолияти тўхтатиб қўйилди. Улар орасида саноат ва кичик корхоналар, цехлар, ширкатлар ва бошқа шу каби ишлаб чиқариш бўлинмалари бор. Бундай корхоналарга нисбатан солинган жарима миқдори 30 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди. Бу кўрсаткичлар ўтган йилдагига нисбатан анча юқоридир.

Вилоятимиздаги қатор шахарлар ва туманларда табиатга зарар келтирувчи манбаларни камайтириш юзасидан анчагина салмоқли тадбирлар амалга оширилди. Айниқса Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл, Бекобод, Қуйичирчиқ, Чиноз, Окқўрғон худудий ва туман кўмиталари давлат нозирларининг фаолияти самараси баракали бўлди. Уларнинг куч-ғайратлари ва тиниб-тинчимасликлари билан атроф-муҳитнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган кўпдан-кўп тад-

бирлар амалга оширилди. Шу туфайли ҳам вилоят бўйича зарарли моддаларни атмосферага чиқариш 15 минг тоннагача камайиши кутилмоқда. Вилоятдаги шахарларда ҳавони турли хил чағ, газ ва бошқа шу каби зарарли моддалар билан ифлослантириш даражаси қисқарди.

Биринчи ярим йилликда оқва сувларни оқизиш 1,8 миллион куб метрга камайди. Бу йил биринчи марта еросити сувларининг ифлосланиш ҳолати тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу соҳа бўйича белгиланган тад-

МУСТАҚИЛЛИК

бирда уларнинг тозалигини сақлашга қаратилган катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш назарда тутилди.

Биринчи ярим йилликда ер ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича эришилган натижалар ўтган йилдагига нисбатан салмоқлироқ бўлди. Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш билан шугулланувчи эколог нозирлар фаолияти кўламини ҳам кенгайтирди. Биринчи ярим йиллик якунлари шундан далolat бериб турипти. Бу ҳақдаги қонунчиликни бузиш ҳоллари 119-мартга очиб ташланди.

Айбдорларга нисбатан турли чоралар қўрилди.

Меёридан ташқари чиқиндиларни, зарарли моддаларни чиқариш ва уларни жойлаштириш учун ҳақ тўлашнинг жорий қилиниши табиат муҳофазасида масъулиятни анча оширди. Ҳозирги вақтда вилоят худудида 445 та шундай корхона бўлиб, улар доимий назорат остига олинган. Ярим йилликда эса 120 га яқин тартибни бузиш ҳоллари аниқланди ҳамда деярли 9 минг сўм жарима пули ундириб олинди. Лекин, шунга қарамай ҳали ҳам бундай корхоналар кўп. Улар 300 тага яқинлашиб қолади. Шунинг учун бу соҳадаги ишларни ва уларга нисбатан талабчанликни кучайтириш лозим.

Ўтган давр мобайнида 44 та лойиҳа ва қурилиш учун майдонлар ажратиш бўйича 235 та иш кўриб чиқилди. Уларнинг кўпчилигини тайёрлашда экологик муаммолар ҳисобга олинмагани маълум бўлди. Шунинг учун айримларини қайтаришга тўғри келди. Бундан ташқари 68 та ҳиссадорлик, қўшма, кичик, фермер ва бошқа корхоналарни рўйхатдан ўтказиш учун материаллар ҳамда маълумотномалар берилди.

Бироқ мажлисда эришилган ютуқлардан кўра камчиликларга, уларни бартараф этиш масалаларига кўпроқ эътибор берилди.

Умуман экологлар ўз фаолиятлари самарадорлигини муттасил ошираёт-

ганликларига қарамай, атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар ҳамон жуда кўп. Уларни камайтириш учун ҳали кўп тер тўкиш талаб қилинади.

Мажлисда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳамда экологик билimlerни тарғибот ва ташвиқот қилиш, ходимларнинг ўқувини уюштириб, малакасини ошириш, санитария-эпидемиология станциялари, давлат автомобил нозирлиги, табиатни муҳофаза қилиш ишга ҳисса қўшиши лозим бўлган бошқа маъмурий ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Айни вақтда ҳамма жойда табиатни муҳофаза қилиш каби муҳим ишга лоқайдлик, бепарқ муносабатда бўлиш ҳолларини тағ-томири билан тугатиш лозимлиги ўқтирилди.

Коллежия ййгилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни му-

МЕВАСИ

ҳофаза қилиш кўмитасининг раиси А.Ҳабибуллаев сўзга чиқди. У ўз сўзида ер, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни кўпайтириш, қишлоқ хўжалик экинларига ишлов беришнинг биологик усулларидан фойдаланишни кенгайтириш, Бекобод тумани деҳқонларининг бу соҳадаги тажрибасини ҳар томонлама ёйиш ва қўллашни таклиф этди.

Мажлисда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

КЎРИК-ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ

«Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловида қатнашаётган маҳаллаларда

Вилоятимизнинг барча шахарлари ва туманларидаги кўп-лаб маҳаллалар «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловида фаол қатнашиб, ўз худудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, истиқомат қилаётган оилаларнинг маданий-маиший турмуш шароитларини оширишда яхши самараларга эришмоқдалар.

Уларнинг ҳар бири бу соҳада муайян тажриба тўплаган. Бу маҳаллаларнинг шу йўлдаги фаолиятлари қисқача баён этилган хабарларни эътиборингизга ҳавола этаёмиз.

«МЕЗОН»ГА ТЕНГЛАШИНГ

Бу йилги бу кўрик танловда шахримиздаги қатор маҳаллалар фаол қатнашдилар. Уларнинг ҳаммасида экологик аҳволни яхшилаш, бу билан шу ерда яшовчи аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан анчагина ишлар қилинди.

Янгийўлдаги бу беллашууда иштирок этган 12 та маҳалла ичида ҳар соҳада энг яхши натижага эришгани «Мезон» маҳалласи бўлди. Бу маҳалла худуди ўзининг ободлиги, кўкаламзорлашгани билан ажралиб туради. Унда 700 та хонадон бўлиб, 2500 дан ортиқ киши истиқомат қилади. Улар саккиз миллат вакиллари дид.

Маҳаллада шанбаликлар ўтказиб туриш яхши анъана бўлиб қолган. У деярли ҳар ойда камидан кам бир марта уюштирилади. Ҳар бир ишчи қоржомасидаги бундай кунлар оммавий бўлиб, унда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган юзлаб кишилар иштирок этадилар. Ҳар гал кенг кўламли ободонлаштириш, кўчалар ва ҳовлиларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, ирригация шаҳобчаларини тозалаш ва бошқа шу каби хайрли, савобли ишлар амалга оширилади.

Маҳалла аҳли қувонч ва ташвишларни ҳам доим биргаликда баҳам кўрадилар, яхши кунларда ҳам, ёмон кунларда ҳам бир-бирларига ҳамкор, елкадошлар. Маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан кўрсатилаётган савдо хизмати яхшиланмоқда. Ҳозир озиқ-овқат маҳсуллари билан савдо қилувчи иккита дўкон ишлаб турипти. Мева-сабзавот дўкони ҳам аҳоли хизматида. Маҳаллада олиб борилаётган бошқа шу каби ишлар ҳақида яна гапириб мумкин. Шу туфайли ҳам «Мезон» маҳалласи шаҳардаги энг обод ва санитария ҳолати энг яхши маҳалла деб топилди ва уни республика бўйича маҳаллалар ўртасида ўтказилаётган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловида қатнашишга тавсия этилди.

Ш.ҚОРАБОЕВ,
Янгийўл шахар ҳокими.

ҲАР ОЙДА ШАНБАЛИК

Галаботир маҳалласи ўртачирчиқ туманини кесиб ўтадиган Қорасув дарёсининг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, қиёфаси сўлим гўшани эслатади. Ҳамма ёқда мевали ва манзарали дарахтлар кўм-кўк бўлиб яшнаб ётипти. Унинг яшил бу либоси иссиқ кунларда ҳам ҳовлиларга, кўчаларга салқинлик бахш этади.

Маҳалладаги катта-кичик йўллар, йўл-калар асфальт билан қопланган, шинам, ихчам қурилган уйлар, ҳовлилар доим саранжом-сармилта. Бу ерда яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар мунтазам амалга ошириб боришмоқда. Шу туфайли ҳам маҳаллада маиший, савдо ва табиий хизмат кўрсатувчи соҳалар анча ривожланган. «Турон ота» чойхонаси доим гавжум. Маҳалладаги болалар босчаси, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон, учта табиий ёрдам кўрсатиш сичатхонаси, сартарошхона, мактаб қурилишида яшовчиларнинг муносиб хиссаси бор. Эндиликда улар бундай муассасаларнинг беминнат хизматида фойдаланишмоқдалар. Маҳалла аҳолиси тоза ичимлик сув ва «зангори олов» билан тўла таъминланган.

Галаботирда тозалик учун курашиш ҳаммининг қон-қонига сингиб кетган. Чунки бу ҳақда аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилади. Унда маҳалла оқсоқоли, асли касби шифокор Утабек Шертоев, маҳалла фахрийлари, шифокорлар қатнашдилар. Маҳаллада шанбаликлар ўтказиш, турли байрамлар ва кутлуг саналарни ҳамжихатда нишонлашга одатланишган. Шу туфайли ҳуқуқ-тартиботни бузиш ишлари қанданкам содир бўлади. Бу маҳалла Дўстлик қишлоқ кенгашидаги маҳаллалар ўртасида «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловининг ғолиби бўлиб чиқди.

М.МАМАТҚУЛОВ,
Дўстлик қишлоқ кенгаши ўзини
узи бошқариш органи раиси.



Экологларимиз ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг тўрт йиллигини муносиб кутиб олмоқдалар. Ушбу суратда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг бу ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашаётган ёш мутахассислари М. Фафурова ва М. Мамажоноваларни ўзаро суҳбат вақтида кўриб турибсиз.

Сураткаш Г. КАЗЕННОВ.



ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИЛГАНДАН СЎНГ...

ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ ЁРДАМ СЎРАЯДИ

ЧИРЧИҚ дарёси вилоятимиз ва республика пойтахтини оби-ҳаёт билан таъминловчи йирик манба ҳисобланади. Бу унинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигидан далолат беради. Дарёнинг умумий узунлиги 225 километрни ташкил этиб, ҳар дақиқада ўртача 219 куб метр сув оқиб ўтади.

Бу дарё соҳилларида 2 та йирик саноат шаҳри Тошкент ва Чирчиқ ҳамда 8 та туман жойлашган. Ҳар йили бу сув манбаидан 9 миллиард куб метр атрофидаги оби-ҳаёт халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилади. Унинг анчагина миқдорини ичимлик суви ташкил этади. Айни вақтда дарёга келиб қўшилаётган оқавалар ҳажми ҳам каттадир. Ҳар йили ўрта ҳисобда у 2 миллиард куб метрни ташкил этади. Бунинг устига илгари дарё сувини муҳофаза қилишга етарли эътибор берилмаганлиги, кўп йиллар давомида олиб борилган хўжалик фаолияти оқибатида дарё ўзининг ҳолати ёмонлашгандан ёмонлашиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам кейинги пайтда у катта ташвиш туғдирапти. Бу жараёни тўхтатиш, жилла бўлмаса камайтириш учун кескин чоралар кўриш лозим бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг қарори билан ҳамда унинг вилоят бўлини маси буйруғи билан ўтган йили дарёнинг сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш юзасидан тезкор гуруҳ ташкил этилган эди. Унинг таркибига экологлар қатори

бошқа соҳаларнинг етук мутахассислари ҳам жалб қилинди.

Гуруҳ бир йилдан ошикроқ вақтдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг дастлабки ишлари ўз натижасини кўрсата бошлади. Ўтган давр мобайнида Чирчиқ дарёсининг ўзани икки марта ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди.

Маълумки, бу ҳаётбахш дарёнинг экологик ҳолати асосан унинг қирғоғида жойлашган 218 та корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига боғлиқдир. Текшириш натижалари бу корхоналарнинг кўпчилигида дарё сувининг мусаффо сақланишига етарли аҳамият берилмаётганлиги, таркибида зарарли моддалар бўлган оқавалар унга оқизилаётганлигини кўрсатди. Кейинги йилларда айрим корхоналардан чиқаётган оқаваларнинг сифат таркиби сезиларли даражада яхшиланаётганлигини қайд қилиш лозим. Буни «Электрохимёсаноти» ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Чирчиқ шаҳридаги тозалаш иншоотлари ва сув ҳавзаси анча яхшиланди. Чиноздаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. «Ўзбеккимёш», Ўзбекистон иссиққандида ҳам ва қийин эрийдиган металллар комбинати, трансформатор заводида оқава сувларни оқизиш

барҳам топди. Луб заводлари оқавалари ҳажми қисқарди. Ҳозирги кунларда тезкор гуруҳ дарё ўзанидаги қум-шағал қазиб чиқарувчи корхоналар фаолияти устидан назоратни йўлга қўймоқда.

Дарё ўзанидан қум-шағал қазиб чиқариш учун рухсатнома бўлиши лозим. Лекин, айрим шундай корхоналар ўзбошимчилик билан ташкил этилди. Натижада «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги, «Тошмелиосувқурилиш» трестининг 2-механизациялашган кўчма колоннасига қарашли шундай корхоналар иши тўхтаиб қўйилди. Бу йил Чиноз туманидаги нефтни қайта ишлаш бўйича цех қурилишининг тақдири ҳам шундай бўлди. Шу йилнинг май ойида ўтказилган рейд вақтида Тошкент сув қурилиш трестига қарашли 2-кўчма механизациялашган колоннанинг бош муҳандисига 300 сўм ва Чиноз тумани сув хўжалиги бошлиғига эса 450 сўм жарима солинди. Чунки улар ҳеч қандай рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирмасдан қум-шағал қазиб олишни йўлга қўйганлар. Айниқса, дарёнинг қуйи оқимида сув ресурсларига зиён келтириш билан боғлиқ бўлган камчиликлар кўп эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам шу атрофда жойлашган корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларидан 9 кишига бир неча минг сўмлик жарима солинди.


Гуруҳ аъзоларининг ҳамда экологларнинг кўрсатмалари ва талаби билан дарё сувини муҳофаза қилиш минтақасида жойлашган корхоналар мавжуд тиндиргичларни қайта қурдилар, уларнинг майдонлари турли хил металлوم ва чи-

қиндилардан тозаланди, деворлар билан ўраб олинди ва бошқа шу каби ишлар амалга оширилди.

Бироқ, шунга қарамай, илгари қурилган сув тиндиргичларнинг жойлашиши ҳамон ташвиш туғдиromoқда. Чунки у дарёга жуда яқин қилиб қурилган. Уларни тартибга солиш ва янгиларини қуриш талаб қилинмоқда. Шуни ҳисобга олиб, ҳозирги вақтда шундай иншоотлар қуриладиган янги майдонлар аниқланапти.

Кейинги йилларда дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳажми кенгайиб борапти. Лекин ҳал қилинишни кутаётган муаммолар ҳали ҳам жуда кўп. Оқаваларни дарёга оқизиш ҳамон давом этмоқда. Бунинг устига Чирчиқ дарёсининг сувни муҳофаза қилиш минтақасини белгилаш бўйича ишларни маблағ билан таъминлаш масаласи ҳамон ижобий ҳал қилинган йўқ. Ҳали ҳам дарёнинг ягона соҳиби тайинланмаган. Бу масалани ҳал қилиш бўйича жуда кўп гап бўлмоқда. Лекин унинг амалий натижаси сезилганича йўқ. Қисқаси, Чирчиқ дарёси сувини муҳофаза қилиш билан боғлиқ кенг қамровли ва мураккаб масалани ижобий ҳал қилмасдан туриб, бу ердаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда силжиш қилиш жуда мушкул. Тезкор гуруҳ бу масаланинг ижобий ҳал қилиниши йўлида ҳормай-толмай ишлайди.

М. ИШЧЕНКО,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги тезкор гуруҳ раҳбари.



Олмалик минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи мутахассиси А. Айматов табиатнинг ҳаққий жоқури, ўз ишига вазидона мувоабатда бўлиши билан ҳамкасбларининг ҳурматини ҳозорган.

Эколог таклиф қилади
ЖАДВАЛИ
ЎЗГАРТИРИЛСА

Жойларда атмосфера ҳавоси вақти-вақти билан олиниб, унинг таркиби ўрганилади, ифлосланиш даражаси, зарарли моддаларнинг миқдорлари аниқланади. Бу иш билан бевосита шуғулланувчи «Ўзгидромет» идораси атмосфера ҳавосини текшириш учун олиш вақтини аниқ белгилаб қўйган. Бу ҳавони муҳофаза қилиш қонунчилигини кўпол равишда бузувчиларга жуда кўл келмоқда. Улар намуна олинадиган вақтни аниқ билганлари учун худди шу пайтда уни ҳамроҳ чиқаришга ҳаракат қиладилар. Кўп ҳолларда қўзлаган мақсадларига эришишяптилар ҳам.

Олмаликлик экологлар «Ўзгидромет» ва унинг жойлардаги бўлиналарига мурожаат қилиб, атмосфера ҳавосидан намуна олишнинг бундай тартибини ўзгартришни илтимос қилдилар. Шунда ҳавони ифлослантирувчи манбаларнинг ҳаққий «башараси» аниқ маълум бўларди. Бироқ ҳозирча бу тўғри ва уридли талаб инобатга олинганича йўқ. Бу афсусланарли бир ҳолдир. Уйлаймизки, «Ўзгидромет» раҳбарлари бу фойдали таклифни инобатга оладилар.

Ш. ШОНОСПРОВ,
эколог.

ҲАМОН ЛОЙИҲАДА
ЁТИБДИ

АНГРЕН кўмири разрезини атроф-муҳитни ифлослантирувчи йирик манба бўлиб келди ва ҳозир ҳам деярли шундайлигича қолмоқда. Бу ерда табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳажми ҳам, самараси ҳам талабга жавоб бермайди. Фикримизнинг далили учун биргина мисол келтириш мумкин.

Разрезда кўмири қазиб чиқариш жараёнида кўплаб ер ости сувлари сизиб чиқади. Уларда тўпланадиган тиндиргичлар бор. Ҳозирги вақтда бу иншоотларда тўпланган шундай ифлос оқава сувлар ҳажми 7 миллион куб метрдан ҳам ошиб кетган. Унинг Оҳангарон дарёси ўзанига уриб кетмаслигининг олдини олиш учун тўғонлар қурилган. Тўғон эса дарёнинг шундоққина ёқасида. Бу ерда дарё ўзани анча торайган бўлиб, шиддат билан оқаётган сув бевосита шу тўғонларга урилади. Бу ҳам муайян даражада хавф туғдиради.


Иккинчи томондан эса ёгингарчиликнинг кўпайиши, қор-музлар эришининг кучайиши натижасида дарёдаги сувнинг даражаси кескин ошади ҳамда унинг оқиш тезлиги ортади. Бундай кучли оқимга тўғон чидай оладими? Бу кескин муаммо бўлиб турипти. Албатта, дарё су-

вининг кўпайиши ва тиндиргичлардаги оқавалар ҳажмининг ортиши дамбага хавф солиши мумкин. Текширишлар шуни кўрсатиб турипти. Демак, бунинг олдини олиш лозим.

Разрез раҳбарлиги шуни ҳисобга олиб, сув тиндиргичларнинг тўғонларини мустаҳкамлаш ишларини бошлаб юборишни назарда тутди. Бунинг учун 1992 йилда Қарағандадаги махсус лойиҳалаш институти билан ҳамкорликда унинг ишчи лўйиҳаси ишлаб чиқилди. Лекин бу лойиҳа ҳамон амалга оширилгани йўқ. Аниқроғи, уни рўёбга чиқаришга киришилган эмас.

Бунинг асосий сабаби қилиб иқтисодий қийинчиликларни рўқач қилишга одатланишган. Бизнингча, ҳозирги вақтда кўмири разрезини анча барқарор ишламоқда. Муайян миқдорда даромад ва фойда кўряпти. Шундай бўлгач, лойиҳани амалга оширишга киришиш учун имкониятлар ҳам бор. Ҳамма гап ундан фойдаланишда қолган. Агар бу муҳим иш пайсалга солинаверса, тиндиргичларга тўпланган оқава тўғонларни бузиб дарёга оқиши мумкин. Бу эса катта экологик ҳалокатга олиб келади. Корхона раҳбарлиги шуни ҳисобга олишини жуда-жуда истар эдик.

А. ПШЕНИЧНОВ.



● **ТОҒ ЧЎҚҚИЛАРИДАГИ МУЗЛАР ЭРИБ, ҲОСИЛ БЎЛАЁТГАН ШЎҲ ДАРЁ ВОҲАМИЗГА ҲАЁТ БАҲШ ЭТМОҚДА.**

ОВ ҚИЛИШНИНГ ҲАМ ВАҚТИ ВА ҚАТЪИЙ МЕЪЁРИ БОР



Кабутар ва қизалоқ.

Бу — қизиқ

ЧУМОЛИДА ГАП КҮП ЭКАН

Даниялик олимлар чумолиларнинг яна бир ажойиб хусусиятини аниқлаганлари ҳақида эълон қилдилар. Уларнинг узоқ вақт олиб борган тадқиқотлари натижасида бу митти жониворлар баданида топилган кимевий модда инсоннинг миясига, унинг фаолиятига катта ижобий таъсир қилиши кашф этилган.

— Бундай моддани кўплаб ишлаб чиқаришга бўлган уринишлар қуттилган натижани бермади, фақат бунинг бир усули бор, — дейди доктор Ганс Детлер. — Бу моддани чумолиларнинг ўзидан олиш ва тановул қилиш керак.

Олим чумолиларни тановул қилишда ҳозирча тийилиб туришни маслаҳат беради, чунки илмий-тадқиқотлар бу жониворнинг ҳамма турлари устида олиб борилганича йўқ.

ИТЛАРНИ КУЗАТИШАДИ

Уйда, айниқса, кўп қаватли уй-жойлардаги хонадонларда ит сақловчилар уларни ташқарида айлантириб, ёзилтиришга одатланишган. Бу ҳам атроф муҳитни ифлослантиради. Норвегиядаги Энсбег шахри полицияси бундай ҳолатга қарши курашнинг йўлини топди. Миршаблар итини айлантириб юриб йўллар четлари ва йўлқаларда ёзилишига йўл қўйган кишиларни кўриб қолишса, дарҳол уларга судга бориш учун қақриқ қозғоли берадилар. Ит эгалари кетиши билан нажосатини қутчага солиб, почта орқали эгаларига юборадилар. Орадан икки-уч кун ўтгач қутча манзилгоҳга етиб боради ва қилинган гуноҳни ит соҳибларига эслатади.

КЕНГУРУ ТАРБИЯЛАНГАН БОЛА

ШИМОЛИЙ Австралиянинг бепойн кенгликларида йўқолиб қолган ёш болани кенгурулар подаси ўз сафига қўшиб олиб уни боқишган, ваҳший ҳайвонлардан ҳимоя қилишган ҳамда унга ҳақиқий кенгуруга хос хусусиятларни синдиришган.

Фақат кўкатлар тановул қилувчи бу болани овчилар ушлаб олишди. Бу саккиз ёшли инсон фарзандини Шимоллий Австралиянинг Дайли Уотерз шаҳридан 30 милча нарида ўтлаб юрган ўнта кенгуру оиласи орасида кўриб қолишди. Овчиларнинг гапига қараганда, олдин уни автомашина чиқроқлари ёруғида кўриб кенгуру деб ўйлашган, чунки шу жониворга ўхшар, у каби товуш чиқарар, сакрар эди.


Тиббиёт ходимлари уни кўздан кечириб соғлом эканлигини қайд қилдилар. Бироқ у гапиришни билмас, бошқалар гапини тушунмасди. Бир неча ҳафта давомида фақат ўт ва бағрлар еди, кейинчалик мевалар ва озгина-озгина гўшт ейишни ўрганди. Айтишларича, бола гўдаклигида йўқолиб қолган ва меҳрибон кенгурулар уни ўз оилалари сафига қабул қилиб, турли хавфлардан ҳимоя қилиб келишган. Ҳокимлик вакиллари ҳозирги вақтда болани маданий жамиятда яшашга ўргатиш ва ота-онасини топиш ҳаракатига тушишганлигини айтишди.

2600 Ёшли ИНСОН ГАВДАСИ ТОПИЛДИ

ЭРОННИНГ Шеробод шаҳри яқинида жойлашган қадимги туз конларида қазиларни олиб бораётган антропологларнинг ўзлари ҳам уни кўриб ханг-манг бўлиб қолишди. Бу ерда улар эрамаздан 600 йил илгари тириклайин кўмилиб қолган, шунча вақт ўтишига қарамай жуда яхши сақланган инсон гавдасини топдилар.

Чап қулоғига олтин исирга тақилган 2600 ёшли инсон тонна-тонналаб уюлиб ётган туз остидан чиқди. Шу сабабли ҳам у жуда яхши сақланган. Буни асримизнинг энг буюк антропологик топилмаларидан бири деб ҳисоблашмоқда.

Унинг гавдаси вафот этган кундагидек ҳолатда бўлган. Қошлари, киприклари, соқоллари тўла сақланган, бирор туки ҳам тўқилмаган. Албатта, териси қуриб қолган, лекин хусусиятлари тўла сақланган. Шахтада содир бўлган фаложат оқибатида тириклайин кўмилган бу инсон гавдасининг яхши сақланганлиги антропология фанини янги ахборотлар билан бойитади, деб ҳисоблашмоқда мутахассислар.



Майин шабада оғушида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ОФАРИН, ЛАЙЛАКЛАР!

ЛАЙЛАКЛАРНИНГ уяси қишлоқдаги уйимизнинг тепасида эди. Улар ўз полапонларини тўйғазиш учун эртадан кечгача галма-гал қаерларгадир учиб бориб, емиш ташиш билан овора бўлардилар. Июль ойи охирларига келиб, жўжалар анча ўсиб қолди. Ота-оналари билан ёнма-ён уча бошладилар. Бу узоқ масофаларга — иссиқ мамлакатларга учиб кетиш олдидан қилинаётган машқ эди.

Бир куни кечқурун мода лайлак қайтиб келмади. Болалар уни фақатгина эртасига эрталаб қишлоқ четидан топишди ва уй соҳибларига олиб келишди. Қуш қаердадир қанотини шикастлаб олган эди. Унга дори суртиб, сўри остига қўйишди. Ургочи лайлак янги ерга тезда кўниқиб кетди ва хашак ғарами устида бамайлихотир ўтирар эди. Ўзига ҳеч ким зарар етказмаслигини тушунарди, афтидан.

Эртасига мен нар лайлакнинг ўз «машуқаси» олдидан меҳрибонлик қилиб юрганни кўрдим. Унинг осилиб турган патларини кўтариб қўярди. Сўнгра лайлак қишлоқ четига учиб кетди-да, орадан бироз вақт ўтгач тумшугида қурбақа билан қайтиб келди. Шундан бошлаб у ҳар куни учолмай ночор аҳволда қолган модасига емиш олиб келарди.

Кунлар қисқара бошлади. Ёш лайлаклар қишлоқ учун жануб томонларга учиб кетди. Кейинчалик «кеқса» қушлар ҳам узоқ йўлга равона бўлишди. Бироқ мода лайлак ҳамон учолмас, ишончли дўсти эса учиб кетиши мумкин бўлса ҳам

буни истамади. Шундай қилиб иккови ҳам қишлоқ учун шу ерда қолди.

Қор ёға бошлади, ҳаммаёқ оқ кўрпага бурканди. Жароҳатланган қушни сарой ичига кўчирдилар. Нарин ҳам унинг ёнига кирди. Улар товуклар, ўрдаклар, ғозлар билан ёнма-ён яшайвердилар. Ҳар ҳолда бу паррандалар ҳам уларнинг узоқ уруғ-аймоқлари эди. Катталар ҳам, болалар ҳам лайлакларга емиш олиб келардилар.

Февралда эса мода лайлак уй томига учиб чиқадиган бўлди. Орадан кўп ўтмай жуфт ўз уясини тартибга солишга киришди, хашак, сомон, ҳар хил латта-путтани олиб келиб, уяни мустаҳкамлади.

Баҳор кунларининг бирида лайлак жўжала-

рининг овозлари эшитила бошлади. Мода лайлак ҳам тўла соғайиб кетди, болаларининг отаси билан эрта тонгдан то қош қорайгунча полапонларини парвариш қилиш билан овора бўлди. Дастлаб у болаларини ўз бағрида иситиб, нари олиб келган емишларни уларга майдалаб бўлиб бериб турди, полапонларининг патлари ўсиб, анча бақувват бўлиб олгач, кун бўйи тўймас жўжаларига емишлик келтириш билан шуғулланди.

Бу ажойиб паррандалар билан завқланар эканман ҳаётда яхшилик, бегонанинг ташвишига хайрихоҳ бўлиш катта аҳамиятга эга эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Офарин, лайлаклар!..

Ю. НОВИКОВ.

Сўраган эдингиз

ОВ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат бионазорат идораси куйидаги муддатларда ов қилиш билан шуғулланишга рухсат берди:

ўрдаклар, қорабузов, қошқалдоқларни 23 сентябрдан 14 январгача; қобонни 15 сентябрдан 30 декабргача (лицензия бўйича); тоғ эчкисини 15 сентябрдан 30 декабргача (лицензия бўйича); буғуни 1 сентябрдан 30 ноябргача (лицензия бўйича); қуённи 15 октябрдан 30 ноябргача (чиқишда бир бош овлаш шarti билан); чиябўри, ёввойи мушукни 15 ноябрдан 1996 йилнинг 1 февралгача (чиқишда бир бош овлаш шarti билан); тулки, тоғ сувсарини 15 ноябрдан 1 февралгача (лицензия бўйича); беданани — августнинг биринчи шанбасида, ноябрнинг 2-якшанбасида; кабутар, қумрини августнинг 3-шанбасида, декабрнинг сўнги якшанбасида (20 бошгача); какликни октябрнинг 2-шанбасидан 30 декабргача (ўн бошгача); қирғовулни октябрнинг 2-шанбасидан 30 декабргача (лицензия бўйича); ғозни сентябрнинг 2-шанбасидан декабрнинг сўнги якшанбасигача (2 бошгача); чуғурчиқни сентябрнинг 1-шанбасидан декабрнинг охиригача якшанбасигача (15 бошгача); балиқчи қуш, чурракни августнинг 2-шанбасидан декабрнинг охиригача якшанбасигача (10 бошгача).

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси ходимлари тайёрлашган.



